



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ёрқин келажак учун овоз берамиз!



4 ДЕКАБР — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни



Миробод туманидаги 212-сайлов участкасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўрилди. Жараён билан танишиш асноси мuddатидан аввал овоз бераётган фуқароларга дуч келдик.

Халқаро кузатувчилар учун брифинг

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2 декабр куни халқаро кузатувчилар учун брифинг бўлиб ўтди.



Унда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг миссиялари аъзолари, хорижий давлатлар кузатувчилари, чет эл ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётида гоёат муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир эканини таъкидлади.

Ушбу сиёсий тадбирга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустахкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошкора ва адолатли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Халқаро кузатувчиларга мустақиллик йилларида Президент сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар яратилгани ҳақида маълумот берилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

» (2).

— 4 декабр куни сайловда иштирок эта олмаслигим боис бугун ўз ҳуқуқимдан фойдаланаяпман, — деди фуқаро Мадина Саидхўжаева. — Менинг овозим мамлакат тараққиётига дахлдор эканидан жуда мамнунман. Кўриб турганимиздек, бу ерда фуқароларнинг эмин-эркин овоз бериши учун барча шароит муҳайё.

Дарҳақиқат, мазкур участкада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб этадиган тадбирни ошкора, демократик тамойиллар асосида

ўтказиш ва сайловчиларнинг ўз хоҳишини эркин ифода этиши учун зарур қулайликлар мавжуд. Жумладан, компютер, алоқа воситалари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Истаган одам сайловга оид қонунлар, ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиёт ва қўлланмалар билан танишиш имконига эга. Тиббиёт, она ва бола хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Овоз бериш кабиналари, кутилар шай ҳолатга келтирилган.

— Сайловда аҳолининг ижтимоий-сиёсий

фаоллиги мамлакат тараққиётини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади, — деди 212-сайлов участкаси комиссияси раиси Фуломжон Ҳақимов — Сайлов куни фуқаролар билдирган ишонч янги муваффақият ва ютуқларга пойдевор бўлади. Бу мамлакатимизнинг дунё ва минтақадаги нуфузини янада юксалтириш, халқаро майдондаги позициясини мустахкамлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Демократик тамойилларга мос

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида 2016 йил 2 декабр куни Ислам ҳамкорлик ташкилоти вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги етакчи халқаро ташкилотлар билан кенг қўламли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Мамлакатимиз 1996 йилдан мазкур халқаро ташкилотнинг аъзосидир.

Ўзбекистон ва ИХТ ўртасидаги алоқалар иқтисодий жабҳалар билан бирга таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Жорий йилнинг 18-19 октябр кунлари пойтахтимизда мазкур ташкилот ташқи ишлар вазирилар кенгашининг 43-сессияси Биринчи Президентимиз Ислам Каримов тақлиф этган «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» ширини остида ўтказилгани томонлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистонга бир неча марта келганман, — деди ИХТнинг сиёсий масалалар бўйича департаменти бошлиғи Али Аббохассани Шахреза. — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга юксак савияда ўтишига ишонамиз. Уйлайманки, халқингиз Президент Ислам Каримов бошлаб берган тараққиёт йўлидан огишмай дадил одимлайди.

Шу куни Марказий сайлов комиссиясида Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенга-

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ши раисининг ўринбосари Ильяс Умаханов бошчилигидаги делегация қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи синовидан ўтган, ишончли ҳамкорлик тамойилларига асосланганини таъкидлади. Бунда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ва Россия Президентини Владимир Путиннинг хизматлари катта экани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сайлов жараёнларини кузатишда Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши аъзолари ҳам кузатувчи сифатида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистонда яратилган миллий сайлов тизими халқаро талаб ва мезонларга тўлиқ жавоб бериши, очиклик, ошкоралик, холислик каби тамойиллар асосида ташкил этилиши эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат тараққиёти, унинг истиқболи ва келажаги йўлида муҳим қадам бўлиши шубҳасиздир, деди И.Умаханов.

Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида учрашув

Парламент қўйи палатаси депутатларининг Қозғистон Республикаси Парламенти Мажлиси (қўйи палата) депутатлари Қудайбергел Ержан, Фахриддин Каратаев, Германия Бундестаки халқаро ҳамкорлик бўйича етакчи эксперти Андреас Ян, Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Ильяс Умаханов, Бельгия фахрий сенатори Доминик Тилманс хоним ва Бельгия парламент вакиллари палатаси аъзоси Вели Юсел билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувларда меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламент фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди. Парламентларо ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистонда сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилгани, Марказий, округ, участка сайлов комиссиялари самарали фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлаётганини таъкидлади. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва биринчи марта овоз бераётган ёшлар кенг қамраб олингани эътиборга сазовор.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда манфаатдор эканликларини қайд этди. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик халқимизнинг энг катта ютуғи бўлиб, бундай мамлакатда тараққиёт, демократия бардавом ривож топаверади, деб таъкидлади меҳмонлар.

С.ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Президент сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланди

Тошкентда «Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, сайлов тизими ходимлари, олимлар ҳамда Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Канада, Бельгия каби мамлакатлардан экспертлар иштирок этди.

Халқаро конференцияда демократик сайловларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибаси, мустақиллик йилларида миллий сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимининг ривожланиши, унинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги, мазкур Президент сайловининг аввалги сайловлардан фарқи жиҳатлари, хусусан партиялараро рақобат кучайгани, номзодларнинг истиқболга хизмат қилувчи дастурлари, сайловнинг янги ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтаётгани, аҳолининг фаоллиги кучайгани, сайлов кампаниясида фуқаролик жамияти институтларининг роли ошгани каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Конституциявий суд раиси Б.Миробоев ва бошқалар Ўзбекистон мустақилликка эришган ўз олдига инсонлараро демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини бош мақсад қилиб қўйганини таъкидлади. Ушбу мақсадни рўбга чиқаришда халқимиз ўтган йигирма беш йилда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида жаҳон аҳли тан олган мислисиз ютуқларга эришди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар Конституцияимизнинг 13-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деган қондани ҳаётга татбиқ этишга қаратилди. Натижда юртимизда инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга йўналтирилган қонуний асослар, уни амалда таъминлаш механизмлари мустахкамланди.

— Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда, — деб таъкидлади Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси бош қотиби, Жанубий Корея Миллий сайлов комиссияси раиси Ким Ёнг Хи. — Халқаро стандартлар талабига кўра сайловлар ҳаққоний, очик, ошкора ўтказилиши лозим. Унда ҳар бир фуқаронинг эркин иштироки таъминланиши, шу орқали халқнинг хоҳиш-иродаси аниқланиши керак. Ўзбекистонда айнан мана шу талабларни бажариш йўлида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилган. Сайлов жараёнига ахборот коммуникация технологиялари кенг жорий этилгани айрим қонунбузарликлар, масалан, такрорий овоз бериш ҳолатларининг олдини олади. Ўзбекистон Бутун жаҳон сайлов органлари аъзо давлат сифатида халқаро сайлов тамойилларини миллий қонунчиликка имплементация қилган ва уларга риоя этаётган давлатдир. Бу йўлдаги самарали ҳамкорлигимиз янада мустахкамланиб бораверади.

» (2).

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Буюк инсон бошлаган улғу ишлар изчил давом этишига ишонамиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари сайловга тайёргарлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари билан танишмоқда. ЎЗА мухбирлари уларнинг бу борадаги фикрларини ёзиб олди.

Юй СИНХУЭ, Шанхай ижтимоий фанлар академияси раҳбари:

— Хитой ва Ўзбекистон халқларининг алоқалари узоқ тарихга эга. Ислам Каримов раҳбарлигида қўлга киритилган мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, ҳар

томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустахкамлаш борасида ҳам давлатларимиз муҳим ўрин тутиб келмоқда. 2016 йил июн ойида Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммити ташкилот фаолияти

» (2).

Муносабат

Ҳуқуқий асослар тақомиллашди

Маълумки, меҳнат ҳуқуқи — инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек, айрим jisмоний шахслар ихтиёрида шартнома асосида ишлаётган ходимларнинг меҳнатга оид муносабатларидан келиб чиқадиган нормалар мажмуидир.

Инсоннинг бу борадаги ҳуқуқлари нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам самарали ҳимоя қилинади. Шундай ташкилотлардан бири касба уюшмаларидир. Юртимизда фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи ҳамда касба уюшмалари фаолиятининг кафолатлари Конституция даражасида мустақамланган. Жумладан, Бosh Қомусимизнинг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касба уюшмалари уюшиш ҳуқуқи кўрсатилган бўлса, 59-моддада касба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши белгилаб қўйилган. Республикада касба уюшмалари фаолиятини у ёки бу даражада тартибга солиш 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, ана бир муҳим жиҳат — Ўзбекистон бу соҳада 17 та халқаро шартномага қўшилган.

Касба уюшмаларининг фаолияти 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан бевоcита тартибга солинади. Бирок, мазкур таянч қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа соҳавий қонунлардан олдин қабул қилинганлиги боис, ундаги нормалар бугунги кун талаби, миллий қонунчиликимиз ҳамда меҳнат соҳасидаги халқаро шартномаларга етарли даражада мос келмас эди. Айнан шунинг учун жорий йилнинг 28 ноябр кuni «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунни қабул қилиш зарурлиги куйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, таянч қонундаги тушунча ва сўзлар маъно эскирган эди. Хусусан, унда касба уюшмалари бирлашган республика уюшмасининг номи «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши» деб номланган эди. Ушбу ташкилотнинг рус тилидаги номида ишлатилган «Совет» сўзи Собиқ Иттифок давридан қолган атамаларни эслатиб турарди. Ваҳоланки, мазкур Федерация 2014 йилнинг 11 август кuni Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтиб, унинг расмий номи «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси» деб номланди.

Шунга асосан таянч қонунга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Федерациянинг номидан «кенгаш» деган сўз чиқариб ташланди ва ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда оқорда зикр этилган расмий номи қонун билан мустаҳкамланди.

Худди шундай, таянч қонундаги «меҳнаткашлар», «маъмурият» ва «ишдан бўшатилган» деган сўзлар тегишлича «ҳодимлар», «иш берувчи» ва «меҳнат шартномасини бекор қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилди. Айтиш жоизки, ушбу сўзлар бугунги замонда ишлатиладиган терминларга бўлиб қолмай, балки уларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқий таърифига эга бўлишини ҳамда «ҳодим» ва «иш берувчи» учун ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлайди. Жумладан, Меҳнат кодексининг 14-моддасида ҳодимга қуйидагилар таъриф берилган: «Белгиланган ёшга етган (77-модда) ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин».

Меҳнат кодексининг 15-моддасига мувофиқ, қуйидагилар иш берувчилар бўлиши мумкин:

- 1) корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида;
- 2) мулкдорнинг ўзи айна бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;
- 3) ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Ҳасан Суратов

Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимлар ёллайдиган яққа тартибдаги тадбиркорлар.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 16-17-моддаларида ходимнинг ва иш берувчининг ҳуқуқлари санаб ўтилган бўлса, 68-69-моддаларида айрим тоифадаги ходимлар учун қўшимча кафолатлар белгиланган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг VI боби 4-параграфи меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласига бағишланган бўлиб, унда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш ҳақини иш берувчи томонидан тўлаш мuddатлари, меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги ва бошқа муҳим қоидалар ўрнатилган.

Бундан кўринадики, таянч қонунда илгари ишлатилган «меҳнаткашлар» ва «маъмурият» сўзларининг амалдаги қонунларга мос бўлган сўзлар билан алмаштирилиши, ушбу субъектларнинг қонунларда уларга берилган ҳуқуқлардан ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланишлари учун замин яратди. Шунингдек, «ишдан бўшатилган» сўзининг «меҳнат шартномасини бекор қилиш» деган сўзга алмаштирилиши ушбу ҳаракатни қонунда белгиланган ҳуқуқий асослар мавжуд бўлгандагина амалга ошириш имконини беради ҳамда бу борада ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди.

Иккинчидан, таянч қонуннинг нормалари соҳани тартибга солиш бўлса ҳамда қонун нормаларига номувофиқ, ундаги ҳуқуқий бўлиқлар эса тегишли соҳадаги ижтимоий муносабатларни тўлиқ тартибга солиш имконига эга эмас эди.

Авваламбор, таянч қонунда касба уюшмаларига берилган таъриф умумий ва тушунарли эди. Хусусан, ушбу таърифда касба уюшмаларининг жамоат ташкилот эканлиги кўрсатилган бўлса-да, айнан қайси шаклда тузилган ташкилот эканлиги кўрсатилмаган эди. Ваҳоланки, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси иккинчи қисмига кўра «сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, jisмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамятлар, ижодий уюшмалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади».

Бундан келиб чиққан ҳолда таянч қонунда касба уюшмаси тушунчаси янги тахрирда берилиб, унга кўра: «Касба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига кўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоат бирлашмасидир». Бундан ташқари, муқаддам таянч қонунда касба уюшмаларининг фаолиятига ҳос бўлмаган ҳамда амалдаги қонунларга зид нормалар мавжуд эди. Жумладан, 16-моддада касба уюшмалари халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишда, сайлов мавсумида уларни қўллаб-қувватлашда иштирақ этишлари мумкинлиги кўрсатилган эди. Ваҳоланки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатли-

гига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадирлар.

Худди шундай, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эса сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгадирлар.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, таянч қонуннинг 16-моддаси янги тахрирда берилиб, унда касба уюшмаларининг депутатликга номзод кўрсатиш ва сайлов мавсумида уларни қўллаб-қувватлашда иштирақ этиш билан боғлиқ қоидалар чиқариб ташланди.

Таянч қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шaroитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхона ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касба уюшмалари камда уч олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган эди. Ваҳоланки, бундай ҳолларда иш берувчи томонидан ходимни оғдолантириш Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ икки олдин амалга оширилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таянч қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмидаги «уч ойлик мuddат» «икки ойлик мuddат»га алмаштирилди.

Учинчидан, таянч қонун амалиётдан анча орқада қолган ва бугунги кун талаби жавоб бермас эди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ яққа тартибдаги тадбиркорларга бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди. Натижанда, яққа тартибдаги тадбиркорлар иш берувчи, улар ёллаган шахслар эса ҳодим маконини олишди. Шунга кўра, ушбу тадбиркорлик субъектларида ҳам ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган тузилма — касба уюшмаларини тузишга эҳтиёж вужудга келди.

Бирок, таянч қонун нормаларининг олдинги тахрири яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектларида касба уюшмасини тузиш имконини бермас эди. Чунонки, қонуннинг 2-моддасида меҳнаткашлар корхоналарида, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида касба уюшмалари тузишга ҳақли эканлиги кўрсатилган эди. Таянч қонунда касба уюшмасини тузиш учун ташаббускорлар сонига нисбатан талаб ҳам мавжуд эмас эди. Натижанда, касба уюшмасини тузиш учун «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ қилиниб, камдада 10 нафар ходимнинг ташаббуси бўлиши талаб этилар эди.

Шунга асосан таянч қонуннинг 2-моддаси матни янги тахрирда берилиб, унинг иккинчи қисмида: «Ходимлар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (бундан буюн матнда ташкилотлар деб

юритилади), яққа тартибдаги тадбиркорлик ва ўзга меҳнат фаолияти амалга ошириладиган бошқа иш жойларида камдада уч нафар ходимнинг ташаббуси билан касба уюшмаларини тузишга ҳақли» деган қоида ўрнатилди.

Касба уюшмасини тузиш учун ташаббускорлар сонининг камдада уч нафар этиб белгиланиши амалдаги қонунчиликка зид эмас. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонундан, Қорақалпоғистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонундан, Ўзбекистон Республикасининг «Бошқа қонун ҳужжатларидан» иборат бўлиши мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмида: «сиёсий партиялар, касба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади». Шундай экан, касба уюшмалари фаолияти соҳасидаги махсус қонун — бу айнан муҳокама этиладиган таянч қонундир. Шу сабабли таянч қонунда касба уюшмаларини тузишнинг бошқа қонунларда белгиланганидан ўзгача алоҳида хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Айтиш жоизки, бугунги кунда касба уюшмалари нафақат корхона, ташкилот ёки бошқа иш жойларида, балки турли ишлаб чиқариш-тармок принципига кўра ҳам тузилиб, амалиётда самарали фаолият юритиб келмоқда. Айнан шунинг учун таянч қонуннинг 2-моддасида касба уюшмалари ишлаб чиқариш-тармок принципа кўра тармоклар ва худудлар даражасида тузилиши мумкинлиги мустаҳкамланди.

Тўртинчидан, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касба уюшмаларининг ролини кучайтириш, улар томонидан жамоатчилик назоратини олиб боришининг ҳуқуқий механизмини белгилаш талаб этилар эди. Шу сабабли таянч қонунда касба уюшмалари томонидан ўтказиладиган назоратнинг турига аниқлик киритилиб, «назорат» деган сўз «жамоатчилик назорати» деган сўзга алмаштирилди.


Илгари таянч қонунда иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги касба уюшмасининг тақдимномасини қўриб чиқиш натижаси ҳақида бир ойлик мuddат ичида хабар бериши шарт эди. Бугунги кунда эса ушбу мuddат тенг ярмига қисқартирилиб, ўн беш кунлик мuddат ичида иш берувчи касба уюшмасига тақдимнома-ни қўриб чиқиш натижаси ҳақида хабар беришга мажбур этиб белгиланди. Бу эса ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадига касба уюшмалари томонидан судларга даъво аризаларини ўз вақтида киритиш учун янада қулай шaroит яратди.

Шунингдек, таянч қонуннинг 11-моддасида касба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқлари кўрсатилган. Эндиликда судларда буйруқ тартибда иш юритиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, таянч қонунда касба уюшмаларининг судларга нафақат даъво аризалари билан, балки суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши фуқароларнинг касба уюшмаларига уюшиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини ҳеч қандай монеликсиз рўёбга чиқаришга, инсоннинг меҳнат қилиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамяти институтлари ролини кучайтиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

3 декабр — Халқаро ногиронлар кuni



Мен жамятнинг тўлақонли аъзосиман

Ўзбекистон Ногиронлар жамяти ва ҳамкор ташкилотлар томонидан 3 декабр — Халқаро ногиронлар кuni ҳамда «Ногиронлар ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари тарғиботи ойлиги» доирасида «Мен жамятнинг тўлақонли аъзосиман» мавзусида тадбир ўтказилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ногиронларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадига ташкил этилган давра суҳбатига имконияти чекланган инсонлар, Ногиронлар жамяти аъзолари, маҳалла фаоллари қатнашди. Тадбир давомида имконияти чекланган инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини қўриш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ўзбекистон Ногиронлар жамяти Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 22 январдаги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон, jisмоний имконияти чекланган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек хайрия ишларини амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 46 мингдан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон фуқаролар истиқомат қиладир.

— Шаҳримизнинг барча туманлари ва талабалар фарҳарасида жамят бўлинмалари фаолият кўрсатади. Бўлим ва бўлинмаларимизда имконияти чекланган инсонлар учун бепул турли маданий, бадий ва спорт тўғрақлари ташкил этилган. Жамят аъзолари тўғрақ машғулотларида қатнашиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда, — дейди Ногиронлар жамяти Тошкент шаҳар бўлими раиси Феруза Восикова. — Маълумот учун айтишим мумкинки, барча туманларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган «Мен жамятнинг тўлақонли аъзосиман» шиори остида давра суҳбатлари уюштирилди.

Дарҳақиқат, юртимизда имконияти чекланган инсонларнинг ўз иқтидор ва қобилиятларини намойён этиши, ҳаётий кўникмаларини шакллантириши, ўқиш, касб эгаллаш ҳамда жамятда ўринларини топиши учун кенг имкониятлар, энг асосийси, ногиронларни жамятга интеграция қилишининг мустаҳкам пойдевори яратилган.

Тадбирда ногиронларга совғалар тақдим этилди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Комила БОЙМУРОВОВА, «Ishonch» мухбири

Бор бўл, оқибат!

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан оммавий-маданий ва хайрия тадбирлари, қизқарли учрашувлар ташкил этилмоқда. Ногиронлар уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилапти.

Жумладан, Зомин туманидаги аёллар «Муруват» уйига бирлашма кенгаши томонидан бир ярим миллион сўмлик энг сунгги русумдаги кир ювиш машинаси совға қилинди. Шу ўринда мазкур муассаса яқинда ҳомийлар маблағи ҳисобидан икки миллирд сўмга тўлиқ реконструкция қилинганини эсга олиш лозим. Бу ишлаётган ходимларнинг меҳнат шaroитини яхшилашга замин яратди.

Вилоятдаги корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчи ногиронлар, иш жойида рўй берган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ногирон бўлиб қолган, касб касалилига чалинган шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари давом этмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Эсдалик совғалари топширилади

Навоий вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Навбахор туманидаги асаб ва руҳий касалликлар шифохонасида хайрия тадбири ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамятини қуришга мустаҳкам замин яратадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган хайрли ишлар алоҳида эътироф этилди. Шифохонада даволанаётган 30 нафар беморга касба уюшмаларининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Дилафрўз УРОЗОВА, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоклари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Республика кенгаши аъзолари «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлор қомбинати» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси Зокиржон Салимовга онаси Наталья САЛИМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириди.

РЕКЛАМА

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Бухоро филиали мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2016 йил 31 декабр кuni соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Бухоро вилояти «Қишлоқхўжаликми» худудий акциядорлик жамяти Вобкент тумани филиалининг 01.12.2016 йилдаги 128-сонли бюртмасига асосан филиал ҳисобидаги Вобкент тумани, Қўнғирот қ.ф.й., Косари қишлоғи манзилида жойлашган умумий ер майдон 313,0 кв.метр, қурилиш майдони 313,0 кв.метрдан иборат бўлган минерал ўнг омбори биноси қўйилмоқда.

Бошланғич нархи — В 120 000 (саккиз миллион бир юз илгирма минг) сўм.

Талабдорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирақ этиш учун бюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари)

30.12.2016 йилга қадар соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирақ этиш истагида бўлган талабдорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда jisмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашуши сўралиди.

Аукцион савдоси тоғлибга 20 кунлик мuddат ичида олдидотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан МУЛК учун тўловларни тўлаш мuddати олдин-

сотиди шартномаси тузиладиган белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Бухоро филиали, х/р: 20208000500234536002, АТБ Қишлоқ қурилиш банк БВМФ, МФО: 00115, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 96410.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Бухоро филиали.

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия: RR-0170. Интернетдаги манзилими: www.rcg.uz, e-mail: rc-group@inbox.uz, тел: (0-365) 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Моҳир тикувчи

Навоий вилояти Кармана туманида яшовчи Малика Эшонкулованинг миллий ва замонавий услубда яратган либослари кўпчилик эътиборига тушган.

«Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган моҳир тикувчи мамлакат миқёсидаги турли танловларда муваффақиятли иштирок этиб келади. «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ёшларга ўз хунари сирларини ўргатиш асносида у соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Малика Эшонкулова.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.



Юртимизда қарийб 5000 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 540 минг бола тарбияланмоқда. Жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бор кичкинтойлар учун 170 дан ортиқ махсус ва кўп тармоқли мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатаяптир.

Баркамол авлод тарбиясида

мактабгача таълимнинг аҳамияти

— Боғчамизда барча имконият мавжуд, — дейди Қўшқўпир туманидаги 2-«Ғунча» МТМ тарбиячиси Ф.Норбобова. — Фарзандларимизнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ақлий салоҳиятини ошириш ҳақида диққат марказимизда. Бунда «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари» ҳамда «Болажон» дастури бизга кўл келмоқда.

Республикада мактабгача таълим муассасаларининг умумий, ихтисослаштирилган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд болалар) ва санаторий типга мансуб (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун) турлари мавжуд бўлиб, яратиб қўйилган қулайликлар мақсад муштараклигига эришишга хизмат бўлмоқда.

— Фарзандим Темурабди олиб келганимиз энди юра бошлади. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан бурро-бурро гапириши, ёд олган шеърларини тутилмай айтиб беришидан қувончим чексиз, — дейди Фариди Рўзимова. — Иш пайтида ҳам фарзандимдан кўнглим тўқ, бемалол ўз юмушини билан машғул бўлишим мумкин.

Эътиборли томони, тарбияланувчиларнинг иқтидори, қизиқиши ҳамда ота-оналарнинг истаги инобатга олиниб, турли тўғарақлар ҳам фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, таълим муассасасида ташкил қилинган психолог маслаҳатхоналари бола тарбиясида ота-оналарга яқиндан қўмақдош бўлмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг эртаси ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Бинобарин, фарзандларимизни иқтидори ва қобилиятига қараб йўналтириш ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Шахноза ТАНҒРИБЕРГАНОВА

Уйғоқ фикр

Табиат бадавлат қилади

Табиат гўзаллигидан баҳрамандлик бизни маънан юксалтириб, руҳан поклантиради. Донишманд боболаримиз бежиз «Сени одамларнинг фикр-мулоҳазалари эмас, табиат бадавлат қилади», дейишмаган. Фарзанд она бағрида ором олганидек, биз ҳам табиат қучоғида яйраймиз. Юрагимиз билан унга боғланамиз.

Табиатда неки бўлса, фақат инсон учун, унинг камоли учун хизмат қилади. Афсуски, биз ҳар доим ҳам ана шу бебаҳо тўғриван қадрлайвермаймиз. Хазон ёқиб, ҳавони булғаймиз, чиқинди ташлаб сувни ифлослантирамиз, «гирбит»лар яратиб наслимизни бузамиз.

Аждодларимиз табиат ва инсонни ҳеч қачон бир-биридан айро тасаввур этишмаган. Улар табиат қонуниятини яхши билган. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Тонгда ўғлим билан ишга шошиб кетаётган эдик. Йўл чеккасидаги мажнунтол танасининг тутаб ёнаётгани эътиборимизни тортиди. Ям-яшил жамалак «соч»лари сувга эгилган дархат қовағига кимдир шох-шабаба тикиб, ўт қўйиб юборибди. Юрагимиз титраб кетди. Уғлим йўл четидида «бақлашқа»да, мен эса ховучимда сув олиб оловини ўчирдик. Анча пайтгача дархат танасидан оппоқ ховур кўтарилиб турди. Атрофга файз, одамларга гўзаллик бағишлаб турган бу дархатни чўғга айлантириш кимга керак бўлганига сира тушунолмадик. Кейин билсак, бу болаларнинг эмас, балки шу ерда гараж қурмоқчи бўлган «тадбиркор» одамнинг иши экан!

РЕКЛАМА

2017 йил 5 январь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биносидида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақаддам ошиши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги тракторлар қўйилади:

1. Жарқўрғон туманидаги «Эски қўрғон» ф/х тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1024 давлат рақамли «ПТМЗ-2-О-4 М» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги тиркаманинг бошланғич баҳоси — 1 020 000 сўм.
Автомобиль воситаси билан Жарқўрғон туманидаги «Эски қўрғон» ф/х тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Юқоридаги мулк 2017 йил 5 январьдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрирчи аукцион савдоси 2017 йил 20 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусخаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса уриятлиган тартибда белгиланган ишоннома тақдим қилиши лозим.
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закатлат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закатлат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.
Талабдорлар «Заказлат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдоридида закатлат пулини «SURXON SAVDO INVEST» маъмулияти чекланган жамиятининг «НАМКORBANK» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/П: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусxada тоширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатлат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса уриятлиган тартибда расмийлаштирилган ишоннома.
Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қavat, 1-хона. Телефон: (0376) 223-25-55.

Хизматлар лицензияланган.

Эслатма

Белгилаб қўйилганки...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга ошириши белгилаб қўйилган. Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни. Фуқароларимиз конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиб, юртимиз келажаги билан боғлиқ муҳим сиёсий масала юзасидан ўз хоҳиш-иродасини билдиради. Шу ўринда, муштарийларимизга сайлов, овоз бериш жараёнига оид маълумотларни яна бир бор эслатиб ўтишга қарор қилдик. Умид қиламизки, қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган ушбу маълумотлар овоз бериш жараёнида турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга кўмак беради.

САЙЛОВДА КИМЛАР ОВОЗ БЕРА ОЛАДИ?
Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва ҳусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

КИМЛАР ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ЭМАС?
Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳужмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайди.

САЙЛОВДА ҚАТНАШИШ МАЖБУРИЙМИ?
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов бўйича сайловда қатнашишга ҳақдор бўлиб, бироқ фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билан бир қаторда Ватан, юрт келажаги олдидаги масъулияти ва бурчлари ҳам мавжуд. Бундан келиб чиқадик, ўз хоҳиш-иродасига қўра, сайловларда фаол иштирок этиш келажакни белгилашга хизмат қилади.

БИР САЙЛОВЧИ НЕЧТА ОВОЗГА ЭГА?
Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси битта овозга эга. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро сайлов участкасига шахсан ўзи келиб овоз бериши шарт.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИГА КИМЛАР КИРИТИЛАДИ?

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тўзилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади. Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

САНАТОРИЙЛАРДА ДАМ ОЛАётган Фуқаролар қаерда овоз беришади?
Санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган давлолаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати маъмурият муассасаларининг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади ва сайловчилар ўша дам олиш масканда ташкил этилган сайлов комиссиясида овоз беришади.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДА ХАТОЛИК БЎЛСА, КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Ҳар бир фуқарога сайловчилар рўйхатига киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни курсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик ҳусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан йигирма тўрт соат ичида, сайлов арафасида ва сайлов куни эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тўзатишлар киритиши ёки аризага унинг талаби инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини бериши шарт.

САЙЛОВ КУНИ БИРОН НОМЗОДНИ ҚўЛЛАБ-қўВВАТЛАБ Ташвиқот қилиш мумкинми?

Сайловдаги ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланганига бир кун қолганида сайловдаги ташвиқотга йўл қўйилмайди.

ОВОЗ БЕРИШ ҚАЧОН БОШЛанади ва қачон тугайди?

Овоз бериш жорий йилининг 4 декабр, яқшанба куни соат 6:00 дан соат 20:00 гача ўтказилади.



ОВОЗ БЕРИШ ҚАЕРДА БЎЛИБ ўТАДИ?
Овоз бериш махсус ажратилган сайлов участкалари биносидида ўтказилади. Уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак.

Яқин қариндоши номидан ОВОЗ БЕРИШ мумкинми?

Йўқ, мумкин эмас. Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ КИМ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИ?

Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилган беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпасига имзо чекади.

СОғЛИҒИ ТУФАЙЛИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИГА БОРА ОЛМАЙДИГАН Фуқаролар қай тартибда ОВОЗ БЕРАДИ?

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга қўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига биноан комиссия аъзоларига овоз бериши ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Агар фуқаро яшаш жойидаги Сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган бўлса, НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилди. Бунинг учун участка сайлов комиссиясига мурожаат қилиш лозим.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ҚАЕРДА ТўЛДИРИЛАДИ?

Овоз бериш учун ажратилган кабинани ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз беришдан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади.

БЮЛЛЕТЕНИ МУСТАқИЛ ўЗЛАЙ ТўЛДИРА ОЛМАЙДИГАН Шахслар НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига қўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабинани ёки хонага тақлиф қилишга ҳақли. Жорий йилдан қўра овоз бериш учун Брайл алифбосида махсус бюллетенлар чоп этилиши йўлга қўйилди.

БЮЛЛЕТЕН қандай тўлдирилади?

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпасида, ўн томонда жойлашган буш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди. Плюсдан бошқа белгилар қўйиш мумкин эмас. Шунингдек, бошқа номзодларнинг фамилияси рўпасидаги каттак бўш қолиши лозим. Уларга бирон белги (масалан, минус, «икс» ва ҳ.к.) қўйиш мумкин эмас. Акс ҳолда, сайлов бюллетени бузилган деб ҳисобланади.

БЮЛЛЕТЕН БУЗИЛИБ қолса, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Сайлов бюллетенини турли сабабларга қўра бузиб қўйган сайловчилар бюллетенини яроқлисига алмаштириш учун участка сайлов комиссиясига мурожаат қилишлари лозим.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ҚАЧОН Эълон қилинади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ, ҳуқуқшунос

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinsosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satuvda erkin narxda.

HUQUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
U.Ibodinov
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhib:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullajilov
Boshiga topshirish vaqti — 00:20
Topshirish — 01:30
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.
Korxonaning manzili:
Buxoro, Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ishloshning kompyuter markazida tartib va saqlanadi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma T — 1215.
13560 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Taxminiy xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Inoteka Bank» Yashobod filiali, bank kodlari: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100